
Хайрулло Алижонов Ўзбекистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди

Алижонов Хайрулло Усмоналиевич Ўзбекистон тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

Хайрулло Алижонов 1975 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган.

1997 йилда Ўзбекистон тумани 98-сонли хўжалик ҳисобидаги механизациялашган колонна муҳандиси сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1997 йилдан 2021 йилгача Ўзбекистон тумани давлат солиқ инспекциясида давлат солиқ инспектори вазифасидан инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимигача фаолият олиб борган.

2021 йилдан тайинловга қадар Қува тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди.

2022-03-25 10:48:43